
Сохибжон Бўрибоев Ўзбекистон тумани маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи этиб тайинланди

Бўрибоев Сохибжон Холимович Ўзбекистон тумани маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчиси этиб тайинланди.

Сохибжон Бўрибоев 1979 йилда Ўзбекистон туманида туғилган. Маълумоти олий. 2000 йилда Фарғона давлат университетини тамомлаган.

2001 йилда Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси ўқув марказининг тингловчиси бўлган Сохибжон Бўрибоев, меҳнат фаолиятини шу йилдан Қўқон шаҳар ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш гуруҳи инспектори вазифасидан бошлаган.

Узоқ йиллар давомида туман ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмасида масъул лавозимларда ишлаган. 2013 йилда “Шухрат” медали билан тақдирланган.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги

2022-04-05 17:24:09